

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ
ЁШЛАР ЎРТАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ**

Байжанов Бабил Бахадирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

*Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси
хизмати бўлим бошлиғи, майор*

Аннотация: *Мазкур мақолада ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг хуқуқбузарлик содир этишига мойил ёшлар билан ишлашда таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш лозимлиги, шунингдек мазкур тоифаларга нисбатан таълим муассасаларида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактика чора-тадбирларини таъсирчан таъминлаш долзарблиги ҳамда шу соҳада хизмат қилган олимларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда кенг қамровли тарзда таҳлил қилиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *ички ишлар органлари, профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, ҳамкорлик, махсус профилактика, хуқуқбузарлик содир этишига мойил, гайриижтимоий хулқ-атвор, гайриижтимоий хатти-ҳаракат, хуқуқбузар, хусусият.*

Бугунги кунда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари хуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшларни аниқлаш ва назоратга олиш ҳамда улар ўртасида профилактик чора-тадбирларни таъсирчан таъминлаш ёки бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатишда бир қанча муаммолар юзага келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар ўртасида профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида, 2024 йилнинг 12 ойида ёшлар томонидан 23 908 та жиноят содир этилиб, ушбу кўрсаткич салмоғи бўйича умумий жиноятнинг 18,1 фоизини ташкил этади.

Ёшлар жинояти 0,6 фоизга камайган бир вақтда, Транспортда 49,4 фоизга ва Самарқандда 9,3 фоизга ошган. Содир этилган жиноятлар 22 618 нафар ёшлар томонидан содир этилиб, Самарқандда 6,6 фоизга, Жиззахда 4,9 фоизга, Тошкент вилоятида 4,2 фоизга, Тошкент шаҳрида 3,9 фоизга, Қашқадарёда 3,4 фоизга, Сирдарёда 1,1 фоизга ва Қорақалпоғистонда 0,6 фоизга ошган.

Ёшлар жиноятининг асосий салмоғи Тошкент шаҳри 23,7 фоизи, Фарғона

13,3 фоизи, Тошкент вилояти 11,4 фоизи, Самарқанд 8,2 фоизи, Наманган 8 фоизи, Андижон 7,1 фоизи ҳиссасига тўғри келмоқда[1].

Юқоридаги жиноятларни олдини олиш учун “ёшларни терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда[2]”. Мазкур муаммо юзасидан ҳурматли Президентимиз Ш.М. Мирзиёев нутқларида,

диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда[3].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “...ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш[4]” долзарб аҳамиятга эгадир.

Бу йўналишда бошқа тадқиқотчилар, дунё ахборот маконида юзага келаётган янги ахборот хавфлари ва таҳдидлари, доимий равишда кузатилаётган шахс онгига салбий таъсир кўрсатаётган “ахборот урушлари” ахборотнинг ўзини глобаллашув жараёнини таъминловчи ва унга жиддий таъсир кўрсатувчи энг “қиммат” товарга[5] айланганлигини қатъий равишда эътироф этишади.

Ю.М. Антоняннинг фикрича, аҳолини зарур товар ва хизматлар билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаса, таълим-тарбия ишлари жиддий яхшиланмаса ва жамиятдаги ижтимоий кескинлик даражаси пасаймаса, жиноятчиликнинг камайишига умид қилиб бўлмайди[6]. Таъкидлаш жоизки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган асосий омиллардан яна бири бу уларнинг билими ва маълумот даражасининг йўқлиги ҳисобланади.

Зеро, “маълумотнинг камлиги, маданият даражасининг пастлиги, шахс қизиқишларининг анчагина тор бўлишига ва сийқалашувига, ахлоқнинг дағаллашувига, шахсиятпарастлик ва худбинлик хислатларининг ривожланишига олиб келади[7]”.

Бу борада ИИОлари профилактика (катта) инспекторлари таълим муассасалари (мактаб, коллеж, техникум ва олим таълим муассасалари) субъектлари ўртасида ҳамкорликда ғайриижтимоий йўналишга эга бўлган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда, авваламбор, “...уларнинг онги, хулқ-атвори, ижтимоийлашув даражаси, шаклланиши, ривожланиши ва тарбиясини ўрганиш[8]” асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу субъектлар ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида тарбиявий профилактика чора-тадбирларини қуйидагича олиб боришларини тақозо этмоқда. Жумладан:

– мунтазам равишда сабабсиз ўқишга келмайдиган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ўқувчилар рўйхатини тузиб, уларни ота-оналари, таълим муассасаси раҳбарияти, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш, уларга мураббий бириктирган ҳолда якка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориши;

– олиб борилган профилактик ишлар ўз самарасини бермаганда бу тоифа вояга етмаганларни махсус ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириши;

– ўқувчиларнинг машғулотларга катнашмасдан, мақсадсиз дайдиб, вақтларини турли кўнгилочар масканларда ўтказишининг олдини олиш мақсадида, Миллий гвардия ходимлари билан “Давомат”, “Тиғ” “Ўқувчи” тадбирларини ўтказиб бориш, аниқланган ҳолатлар бўйича айбдорларга тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш;

– вояга етмаган ва ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этадиган ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчилар ёки бошқа шахсларни аниқлаб, вояга етмаган ва ёшларни уларнинг таъсиридан асраш;

– хизмат ҳудудидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар томонидан содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни доимий равишда таҳлил қилиб, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиб бориш шарт.

Мураккаб замонда, ИИОлари соҳавий хизматларида фаолият олиб бораётган ихтисослигидан қаътий назар барча ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилатика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши лозим. Чунки, аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди, ҳамма бир-бирини танийди, бегона ва нияти бузук кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади.

Шу жумладан, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги белгиланган ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни биргаликда амалга оширишда ифодаланувчи объектив зарурат ҳисобланиб, мазкур ҳамкорликни мустаҳкамлаш фуқаролар ишончини қозониш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этиши[9] мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва унда иштирок этувчиларнинг ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни биргаликда амалга ошириш орқали, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, назоратга олиш ва улар билан таъсирчан профилактика чора-тадбирларини қўллаш, шунингдек маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлиги таъминлашда аввалам бор хориж давлатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилигида назарда тутилган тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар марказининг 2024 йил якуни бўйича маълумоти.

2) Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. фалс. докт. дисс. - Т., 2019. - Б. 62.

3) Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи/. [Мурожаат вақти:05.03.24].URL://<https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/>.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар ишлари Агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 550-сон қарори. [Мурожаат вақти: 23.01.2024].URL://<https://lex.uz/docs/4993790>.

5) Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: юрид. фан. б-ча д-ри (DSc) дис.... автореф. □ Т., 2018. □ Б. 18.

6) Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М., 1992. – С. 217.

7) Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 78.

8) Кафарова Д.М. Криминологический анализ и профилактика общественно опасных деяний подростков, не достигших возраста уголовной ответственности: автореф....дис. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 15.

9) Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. докт. (DSc) ... дисс. - Т., 2019. - Б. 197.